
"Китобхонлик ҳафталиги" доирасида бугун Қувамиз этук ижодкорларга мезбонлик қилди.

Халқимизга кўтаринки кайфият, маданият ва маърифат улашиш мақсадида Ўзбекистон халқ шоири, Фарғонанинг асл фарзанди Иқбол Мирзо, ёзувчи ва публисист Саид Анвар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қиличбек Тожиев, ёзувчилар уюшмаси аъзоси эл севган шоира Фарида Афрўз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умиджон Жабборов ҳамда ёш шоир Шукурулло Латифлар ташриф буюрдилар.

Тумандаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган учрашувда ижобкорлар ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб дилларни хушнуд этдилар.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар ва қатнашчилар учун Халқ таълими бўлими ҳамда ахборот-кутубхона маркази томонидан "Китобсевар миллатмиз" шоири остида янги китоблар кўрғазмалари ташкил этилди.

Тадбир барча қатнашчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

2022-04-20 21:28:05